



Tadqiqot uz

ISSN 2181-9513

Doi Journal 10.26739/2181-9513

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

2-МАХСУС СОН

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК-2

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

SPECIAL ISSUE-2

2020 ЙИЛ - "ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ"



TOSHKENT-2020

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1. Насырова З.М. КОМПЕТЕНТНОСТНЫЙ ПОДХОД В ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ.....	5
2. Пұлатова Д.Р. ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕНСИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	12
3. Холмирзаева З.Й. КИМЁВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР ДАВРИЙ СИСТЕМАНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТИЗИМЛИ ЁНДОШУВНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	18
4. Гизатуллина О.И. ПРАКТИЧЕСКАЯ МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ.....	25
5. Каримова Н.Р. ИГРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ КАК СТИМУЛ РАЗВИТИЯ РЕФЛЕКСИИХ УМЕНИЙ.....	32
6. G'oyibnazarova N.R. DIDAKTİK VA TA'LIMIY O'YINLAR ORQALI ONA TILI VA MATEMATIKA DARSLARIINI INTEGRATSIYALASH.....	38
7. Самиджонова М.Х. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШИГА ЙЎНАЛТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	42
8. Худайбердиева Г.Х., Алланазаров М.М. ЁШЛАРНИ ФОЯВИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ.....	46
9. Хайтметов Р.К., Мадалимов Т.А., Ахатов Л.К. КАПИТАЛИЗМ ВА ИНСОН ПСИХОЛОГИЯСИ.....	53
10. Ахмедова Н.Я. ОБУЧЕНИЕ ТАМОЖЕННОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В КУРСЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РУССКОГО ЯЗЫКА.....	62
11. Хайров Р.З., Раҳмонбердиев Ш.Р. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВНИНГ МЕТОДИК УСУЛЛАРИ.....	68
12. Kurbanova D.B., Shaynazarova V.Kh. THE IMPORTANCE OF TEACHING GRAMMAR IN CONTEXT.....	76

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Хайтметов Раймберди Кудратуллоевич

Мадалимов Тимур Абдувалиевич

Ахатов Лутфулло Кароматуллоевич

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика
институти "ижтимоий фанлар кафедра"си ўқитувчилари

КАПИТАЛИЗМ ВА ИНСОН ПСИХОЛОГИЯСИ

For citation: R.K. Khaitmetov, T.A.Madalimov, L.K.Ahatov. Capitalism and human psychology. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 2020 Journal of innovations in pedagogy and psychology 2020, special issue 2, pp. 53-61



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-2-9>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада франциялик машхур файласуф ва социопсихолог Эмиль Дюргеймнинг жамиятнинг моддий тараққиёти ривожининг инсон психологиясига таъсири борасидаги қарашлари муҳокама қилинади. Хусусан муаллифнинг суицид ҳақидаги қарашлари, унинг келиб чиқиши борасидаги фикрлари, ўз замонасига оид статистик маълумотлари келтириб ўтилган. Суицид турлари унинг жамият инқизози билан боғлиқлиги қачон ва қай ҳолатда содир этилиши очиб берилган. Яна капиталистик жамиятнинг камчиликлари, инсонлар психикасида содир бўлаётган ўзгаришлар, ҳозирги ва қадимги жамиятнинг асосий фарқлари ҳақидаги Дюргейм қарашлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: социология, психология, суицид, альтуризм, эго, аномия, индивидуализм, атеизм, меланхолия, капитализм.

Khaitmetov Raimberdi Kudratulloevich

Madalimov Timur Abduvalievich

Ahatov Lutfullo Karomatulloevich

Teachers of the Department of "Social Sciences"
of the Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region

CAPITALISM AND HUMAN PSYCHOLOGY

ABSTRACT

This article discusses the views of the famous French philosopher and socio-psychologist

Emile Durkheim on the impact of the development of the material development of society on human psychology. In particular, the author's views on suicide, his views on his origin, and statistics on his time are given. Types of suicides have been identified when and under what circumstances it is associated with a social crisis. At the same time, Durkheim's views on the shortcomings of capitalist society, the changes taking place in the human psyche, and the main differences between modern and ancient society are examined.

Keywords: sociology, psychology, suicide, altruism, ego, anomie, individualism, atheism, melancholy, capitalism.

Хайтметов Раимберди Кудратуллоевич
Мадалимов Тимур Абдувалиевич
Ахатов Лутфулло Кароматуллоевич
преподаватели кафедры "социальных наук"
Чирчикского государственного педагогического
института Ташкентской области

КАПИТАЛИЗМ И ПСИХОЛОГИЯ ЧЕЛОВЕКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье обсуждаются взгляды известного французского философа и социально-психолога Эмиля Дюркгейма на влияние развития материального общества на психологию человека. В частности, приведены взгляды автора на самоубийство, его взгляды на его происхождение, статистика его времени. Типы самоубийств были выявлены, когда и при каких обстоятельствах это связано с социальным кризисом. В то же время рассматриваются взгляды Дюркгейма на недостатки капиталистического общества, изменения, происходящие в психике человека, и основные различия между современным и древним обществом.

Ключевые слова: социология, психология, суицид, альтруизм, эго, аномия, индивидуализм, атеизм, меланхолия, капитализм.

XX аср инқирозни кучли ҳис этиш билан бошланган эди ва у шу ҳиссиёт билани поёнига етди. [1, С.132] Хўш XXI асрчи? У нима билан бошландию қандай давом этмоқда? Шу каби саволларни кўйиб яшаётган асримизни муҳокама қиласиган бўлсак, ҳозир ҳам вазият ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин. Бунга яққол мисол сифатида бугунги кунда бутун инсониятни ларзага солаётган COVID-19 пандемиясини ҳам келтиришимиз мумкинdir. Бу эса ўз навбатида глобаллашув деган буюк бир феноменning маҳсулидир.

Умуман ҳозирги кунда глобаллашмаган соҳанинг ўзи қолмади. Барча соҳоларнинг глобаллашуви, уларнинг ривожланиши темпини олдинги даврга нисбатан анча ошириб юборди. Лекин минг афсуски айрим жамиятлар руҳий жиҳатдан мана шу темпга тайёр эмасдилар. Яъни улар айрим соҳаларда яратилаётган инновацияларнинг орқасидан қўвиб етолмаяптилар, бу эса ўз навбатида турли оқибатларга олиб келмоқда:

Биринчидан: Мутахассис ўз соҳаси доирасида кашф этилаётган янгиликларидан қолиб кетмаслик учун сутканинг асосий қисмини ўз ўстида ишлашга сарфлаши керак. Акс ҳолда у рақобатта бардош беролмайди ва ишсиз қолиб кетиш эҳтимоли

катта. Натижада инсонларнинг бир-бири билан мuloқот қилишга, оиласи билан кўпроқ вақт ўтқазишга вақти кам ва ёки умуман йўқдир. Бу эса бегоналашув деган иллатни олиб келди.

Иккинчидан: Барча соҳаларда яратилаётган инновациялар ўз-ўзидан инсон эҳтиёжлари доирасининг кенгайишига олиб келмоқда. Ушбу эҳтиёжнинг ҳаммасини қондиришни эса деярли имкони йўқдир.

Учинчидан: Эркинлик меъёрининг бўзилиши. Глобаллашган замонавий жамиятда яшовчи инсон керагидан ортиқро эркинликни талаб қилмоқда. Бу эркинлик шу даражага етдики, ҳаттоқи улар энди нафақат жамият қонунлари балки, табиат қонунларини ҳам либераллаштиришга ўринишишмоқда. Биржинсли никоҳлар шулар жумласидандир...

Юқоридаги ва бошқа омилларнинг натижасида инсон руҳий тушкунликка тушуб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида жаҳонда ўз жонига қасд қилишдек мудҳиш ҳодисанинг сонини ошишига сабаб бўлмоқда.

Умуман инсониятта суицид ҳодисаси антик даврдан бошлаб маълумдир. Масалан барча соҳаларга эркинлик берган Қадимги Юнонистон ҳаттоқи ўз жонига қасд қилиш хуқуқини ҳам ўз фуқароларидан дариг тутмаган. Фақатгина ўлим жазосига маҳкум этилганларгина бундай хуқуқقا эга здилар. [2] Давлат (агеорагус)нинг рухсатисиз бошқа ҳолатларда агар фуқаро ўз жонига қасд қилса, ўлимидан кейин давлат томонидан қаттиқ жазоланган. Яъни унинг танаси парчаланиб турли жойларга кўмилган. Агар давлат рухсат берса яъни муҳокама қўйиб ижобий жавоб берса фуқаро ўз жонига қасд қилиши мумкин бўлган.

Аммо Юстиниан (VI-аср Византия императори) қонунларида асоссиз ўз жонига қасд қилиш қораланади. "Ким агар ўзини айямаса, бошқани ҳам айямайди. Шунингдек ўзини осган инсонни дағн қилмаслик лозим, чунки у ҳаёт қийинчиликлари туфайли эмас, балки ўзининг иродаси билан бу ишни амалга оширган. Бунда суицид жинояти, армиядан қочган аскар жиноятига тенглаштирилган.

Кулдорлик жамиятида ҳам қулнинг олди-согтисида агар қул сотиб олинганидан кейин олти ой давомида ўзини ўлдириб қўйса у сотган одам пулини қайтарган. Ва ёки рус ёзувчиси Григорий Шалкович Чхартишвили тили билан айтганда "Тарихий тенденция шундан иборатки, синфлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан жамият ўз жонига қасд қилишни тобора қаттиқлаштириди. Бу тушунарли - давлатнинг манбаатлари тобора кўпроқ шахсий эркинликни чеклашни талаб қилди;..."[2, С.86.]

Ўрта асрлар христиан дунёсида ўз жонига қасд қилиш нафақат жиноят, балки гуноҳ ҳам бўлган. Уларга дағн маросимлари христиан эътиқодига кўра бажо келтирилмаган. Бир сўз билан айтганда суицид эгаси шайтоннинг малайи деб ўқитилган. Аммо шарқда вазият сал бошқачароқ эди. Хусусан Ҳиндистон ва Япония жамиятларида суицидинг алтурристик тури жуда ҳам ривожланган эди. Улар бу ҳолатни қаҳрамонлик, жасорат, мардлик, садоқат рамзи сифатида қарар эди. Масалан ҳиндистондаги "сати" одати яъни эри ўлган аёлнинг ўз жонига қасд қилиши, япон самурайларининг "харакири" ва ёки "сеппуку" каби суицидга алоқадор одатларини келтиришимиз мумкинdir. Шу билан бирга буддизм эътиқодига кўра суицид ҳодисаси эркин индивиднинг иродасига кўра ҳал қилинади. Яъни ўз жонига қасд қилиш қораланмаган. Лекин исломда вазият умуман бошқача. Исломга кўра инсоннинг жони ўзига тегишли эмас. У худдиди Тангри берган омонатдек қаралади. Демак жонни берган ўзи олади. Инсонни ўз жонига қасд

қилишга ҳаққи йўқдир. Яна у энг катта гуноҳлардан бири сифатида қабул қилингандир. Суицид борасидаги ўрта аср одамининг қараши гуманизм даврига келиб ўзгарди. Бу даврга келиб инсон ва унинг ҳаётига қадрият сифатида қарай бошлади. Бу ҳолат 18 асрда инсоннинг табиий ҳукуқларидан бири сифатида, яшаш ҳукуқини қонун сифатида тасдиқлашга олиб келди. Эндиликда ўз жонига қасд қилганларни таналари омма олдида таҳқирланмаса ҳам, лекин барибир суицид ҳодисаси яхши кутиб олинмас эди. Ҳаттоқи 1881 йилда Ню-Йорк штати қонунчилик палатаси томонидан агар ўз жонига қасд қилган одам омон қолса унга 20 йиллик қамоқ жазоси берилиши қонун билан тасдиқланиб қўйилди. Ҳозирги замон жамиятлари ҳам суицидга иллат сифатида қарайди. На дунёвий ва на диний нуқтаи назарга кўра бу ҳолат оқданмаслигига қарамай, ўз жонига қасд қилишнинг сони йилдан-йилга ошиб боряпти. Фикримизни исботи сифатида Россиялик мутахассислар статистикасини келтиришимиз мумкин: "Шуни таъкидлаш керакки эркаклар орасида, 1956 йилдан бошлаб 2005 йилгача эркаклар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари 2 марта кўпайди (1 миллион аҳолига 296,3 дан 598,8 гача), ва бошқа заҳарланишлардан ўлим даражаси 3,5 баравар кўпайди (1 миллионга 78,4 дан 270,4 гача) аҳолиси). Бундан ташқари, худди шу даврда, аёллар орасида ўз жонига қасд қилиш даражаси ошди 24,6% (1 миллион аҳолига 75,2 дан 93,7 гача)...". [3. С. 52] Шу муносабат билан мазкур мавзу жуда кўп олимларни ўзига жалб қилиб келган. Ҳусусан улардан энг машҳурларидан бири бўлмиш француз файласуфи ҳамда социологи Эмиль Дюркгейм ижодига қисқача назар ташлаш бутунги ишимиznинг асосий мақсадидир.

Социология тарихида ўзига хос фигуralардан бири бўлмиш 19-20 асрда яшаб ўтган, француз мутафаккири Эмиль Дюркгейм (1858-1917) қизиқ бир назарияни илгари суради. Унинг фикрича иқтисодий ривожланиб бораётган жамият яъни капитализмнинг гуллаб яшнаши, социал ҳаётда фундаментал ўринга эга бўлган бальзи бир феноменларни инқирозга олиб келади. Нимага сабабга кўра капитализм бизни бой қилиш баробарида, баҳтли қила олмайди? Нимага иқтисодий яхши таъминланган жамиятларда суицид ҳолатлари, иқтисодий яхши ривожланмаган жамиятларга нисбатан кўпроқ? У бундай фикрларга ўзининг "Суицид" асари устида олиб борган статистик тадқиқотлар ёрдамида келган. Умуман у бу асарида ўринли савол қуяди. "Қанчалик социология фани суицид ҳодисаси билан шуғулланишга ҳақли? У индивидуал ҳодиса бўлса, у билан психология шуғулланиши керак эмасми? Аслида жонига қасд қилиш ҳаракати инсон феълатвори, темпарамети, олидинроқ содир бўлган шахсий ҳаётидаги воқеалар билан боғлиқ эмасми?". [4. С. 12.]

Лекин унинг фикрича агар бу масалани ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлмаган фактлар асосида тушинтириш ва унинг сабабларини фақатгина индивид билан боғлаш, тор маънодаги ёндошувири. Аслида масалани, "sui generis" яъни бир-бирига боғланган ва узоқ муддатли ҳодисалар йигиндиси сифатида ўрганиш лозимдир. Айнан мана шунинг учун ҳам ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси социологиянинг объектига киради. Унинг фикрича социология фани гина суицид ҳодисасини тўлиқ қамраб олиб ўргана олади ва моҳиятини очиб бера олади.

Дюркгейм фикрича жамият ҳаётида содир бўладиган турли инқирозлар, суицид ҳолатини ошишига олиб келади. Шу билан бу инқирозлар тўлқинсимон ҳаракатга эгадир. "Шундай тўлқинлардан бири Европада 1948 йилдаги инқилобдан кейин содир бўлади. Ҳусусан Германияда 1866 йилдаги воқеалардан кейин содир бўлган бўлса, шундай тўлқинни Францияда 1860 йилда кўриш мумкин. Англияда

1868 йилда күзга ташлана бошлаган." [4, С. 13] Бу йиллар бизга тарихдан маълум, бир ижтимоий тизимдан бошқа бир ижтимоий тизимга ўтиш давридир.

Қизиги шундаки, жамият қанча бой бўлса шунча руҳий инқироз сари йўл олади. Бу факт ҳозир ҳам деярли ўз кучида қолмоқда. Масалан унинг тадқиқотларига кўра "Францияда капитализм ривожланган сари, ўз жонига қасд қилишлар сони ҳам ортиб бормоқда. Буюк биртания эса Францияга нисбатан иқтисодий яхши бўлганлиги учун, унда бу сон яна кўпроқ. Ривожланиш борасида Буюк Британиядан олдинда бўлган Данияда эса тўрт баробарига кўпроқдир." [4, С. 14.] Яна бу асарида файласуф суицид фақат гина ақлдан озган одамларда содир бўлиши мумкиндири, деган ўз замонасининг психологларига қарши чиқади. Умуман унга кўра суициднинг учга альтуристик, [2] эгоистик, [2] аномия [3] тури мавжуддир. Айнан мана шу тартибда улар инсоният тарихида содир бўлган.

Суициднинг альтуристик тури бу инсоннинг эътиқод, миллат, давлат, табақа, жамият ва ёки гурӯҳлар учун ўзини қурбон қилишидир. Бу ерда алоҳида инсоннинг ҳаёти умум ҳаётини яхшилаш учун қурбон бўлади ва бу ҳодисани ҳозирги кунда биз қаҳрамонлик деб номлаймиз. Чунки унинг ҳаёти умумжамият ҳаётига сингиб кетади. Инсоннинг алоҳида мени йўқ бўлиб кетади, фақаттина жамият ва ёки у қурбон бўлмоқчи бўлган жамият ва ёки гурӯҳ қолади холос. Шарқда бу яхши ҳолат яхши кутиб олинади. Сабаби Шарқ жамияти Farb жамиятига нисбатан ижтимоийлашгандир. Ва ёки рамзий қилиб айтганда Шарқда инсонни характер эмас характеристика белгилайди. Масалан ҳар бир иш жамият учун қанчалик фойдалилигига қараб баҳоланади. Мен аслида яхши мутахассис бўлишим шарт эмас, мени жамият яхши деб баҳоласа бўлгани ва б. Бундай мисолни кўндалиқ ҳаётимиздан кўплаб топишмиз мумкин. Агар мабодо инсон вазият тақазо қилганда суицидни амалга оширмаса у жамият томонидан яхши кутиб олинмайди одатда. Масалан уруш бошланганида аскар унда қатнашишни хоҳламаса у албатта жамият томонидан қаттиқ жазолангани каби. Чунки индивиднинг манфаати гурӯҳ манфаатидан устун туриши мумкин эмас. Бундай жамиятларда индивиднинг қадри, шахси, манфаатлари етарли даражада эътиборга олинмайди. Бир сўз билан айтган альтуристик суицид бу қандайдир маънода мажбурийдир. Сабаби бу уша жамият учун қайсиdir маънода қадрият сифатида тан олинган. Қадриятни бузишга эса ҳеч ки ҳақли эмас. Ҳиндларнинг одатларига кура агар эри ўлса, хотини ҳам биргаликда дунёни тарқ этиши лозим. Яъни хотинини ҳали тирик бўлишига қарамай эри билан биргаликда гулханда ёқишиган. Агар аёл бундай альтуристик суицидга рози бўлмаса, у энг пастки кастага (чандал) туширилган. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатлар деярли содир бўлмаган. Улар буни оддий ҳолат сифатида қабул қилиб чин кўнгилдан бажаришган. Ва ёки буни альпинистларнинг қўйидаги қоидаси билан қиёслаш мумкин. Агар агар альпинистлардан биронтаси қояга осилиб қолса, фақат ва фақат осилиб қолган альпинистгина арқонни кесиши мумкин. Тепада турган ва ёки уни ушлаб турган шерги бундай қилишга ҳақли эмас. Бу қарорни альпинист ўз манфаати учун бошқаларни қурбон қилмаслик мақсадида қабул қилиши мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай жамиятларда ўзгани ўлдириш ҳам осон кечади. Сабаби агар инсон ўз жонига қасд қила олса у ўлимдан қурқмайди ва ўзгани жонига ҳам жамият учун жуда осонлик билан қасд қилиши мумкиндири. Альтуристик суицид қадрият сифатида тан олинган жамиятларда қаҳрамонлар, фидоий аскарлар ва шунга ухшаш бошқа инсонларни тарбиялаш психологик бирмунча осон кечади, бошқа жамиятларга нисбатан.

Иккинчи тоифа бўлмиш эгоистик суицид бу инсоннинг ўз хаёлида у шахс

сифатида жамиятга күроқ нарса беряпти, жамият унга бераётганига қараганда. Мана шу рухи тушкунлик унинг ҳаётини фожеавий тугатишга сабаб бўлиши мумкин. Яъни у агар ўз ҳаётига нуқта қўядиган бўлса, у ҳам ўзига ва ҳам бошқаларга яхшилик қилган бўлади. У энди ўзигараво кўрмаган нарсани, бошқага ҳамраво кўрмаслик керак деб уйлайди. Унга жамият шахс сифатида ҳеч нарса беролмаяптими, демак у ҳам жамиятнинг бир бўлаги сифатида бошқаларга ҳеч нарса бера олмайди. Шу ва бошқа шу каби хаёллар уни эгоистик суицидни бажаришга мажбурлаши мумкинdir.

Энг мавҳум ва тушунарсиз суициднинг аномия туридар. Бу инсоннинг реал имкониятларидан кўпроқ бўлган нарсага эга бўлиш фикрига келгандан кейин кўпинча содир бўладиган суицидdir. Бунда инсон абсурд ҳолатига тушиб қолади ва яшаш у учун ортиқча бир машғулотдай кўринади. Масалан ҳозирги замонамизнинг "истеъмолпараст"лик касаллигига чалинган инсонларда ҳам, шундай психология доменантлик қилмоқда десак хато бўлмайди. Сабаби Дюргейм айтганидек бизда иқтисодий ривожланиш билан параллел тарзда эҳтиёжларимиз ҳам ўсиб бормоқда. Лекин афсуски барча эҳтиёжларини қондиришга ҳамма ҳам қодир эмас. Мана шундай ҳолатларда инсон тушкунликка тушиши мумкинdir. Ва у учун энди яшаётдан маъно қолмайди. Мана шундай ортиқча бўлган орзу-ҳаваслар гирдобига тушиш ҳолати уни ушбу суицид турига олиб келиши мумкин.

Дюргейм ақлдан озган одамлар худкушлик ҳолатларини қўйдаги тўрта бирбиридан фарқ қилувчи турларга бўлиб ўрганиб чиқади. Яъни унинг айтишича ўз жонига қасд қилувчи руҳий хаста одамлар тўрт хил ҳолатда суицид ҳодисасини содир этиши мумкин.

I. Манякларча ўз жонига қасд қилиш: ўз жонига қасд қилишнинг бу тури галюцинациялар ва ёки алданишлар билан оғриган беморларга хосдир. Уларнинг мативацияси шарманда бўлмаслик, ва ёки митсик оламдан келган ғоялар билан боғлиқdir. Бу ҳолат кутилмагандан келиб, агар омадсиз тугаса яна кетиши мумкин. Яъни агар ўз жонига қасд қилувчи инсоннинг ҳаракати зое кетиб у омон қолса у буни тезда унутиб яна одатий ҳаёт тарзига ўтиши мумкинdir.

II. Меланхоликлар суициди: ўз жонига қасд қилишнинг бу тури руҳий тушкунлик ҳолатлари ва чукур қағуга ботган одамларда учрайди. Бундай ҳолатда инсон ўзида бўлмайди ва ташқи дунё билан онгли алоқага кириша олмайди. Уни қанчалик руҳини кўтаришга ҳаракат қилманг, барibir фойдаси йўқ. Сабаби у энди ҳамма нарсани оқ-қора рангда кўра бошлайди. Лекин бу биринчи турдан фарқли улароқ, беморни бир дақиқага ҳам тарқ этмайдиган уй-хаёллар билан боғлиқdir. Ўз жонига қасд қилиш фикри қайта-қайта беморнинг онгига тўғилаверади ва ҳар бир қайтарилганда янада кучлироқ мативация билан қайтади. Бундай вазиятларнинг охири кўпинча фожеа билан тугайди. Бунда у 14 ёшли қиз билан бўлган воқеани мисол тариқасида келтиради. Қиз бутунлай соғлом отонадан тўғилган. У 14 ёшга тўлганида уни шаҳарга ўқиш учун юборадилар, шунда уни соғинч азоби қийнайди ва у бутунлай тушкунлик кайфитига тушиб қолади. Лекин бошида у суицид ҳолатинин жиноят деб уйлаб уни амалга оширишни бир йил кейинга қолдиради. Аммо бир йилдан кейин уни ўз жонига қасд қилиш ғояси тўлиқ қамраб олади ва натижада у бир нечта мувафақиятсиз ҳаракатларни амалга оширади.

Бу турдаги инсонлар ўз суицид ҳақидаги фикрларини жуда хотиржам амалга ошира олишлари билан, бошқа тоифалардан фарқланиб турадилар. Улар ҳаттоқи ўз ниятларини амалга ошириш учун, ҳийла ишлатиб бошқаларни чалғитишлари

ҳам мүмкіндір. Муаллифнинг фикрича бу беморлар икки тоифага бүлинадилар. Яъни айримларда тезда содир бўлади, айрим касалларда эса сурункали давом этиши ҳам мүмкіндір. Бу кўпинча беморининг табиятига боғлиқ.

III. Обсесён (таъқиб қилиш) билан боғлиқ бўлган худкушлик. Бундай вазиятда инсонни ҳеч қандай сабабларсиз, тинимсиз суицид ҳақидаги хаёллар таъқиб қила бошлайди. Унда суицидга мойиллиги бўлади, лекин унга ҳеч қандай сабаб йўқдигини билиб туради. Лекин бу ирода ҳеч қандай соглом хаёлларга буйсунмайди. Шу ўринда Дюргейм бир шу тур касал билан чалинган бир беморнинг ўз психиатрига ёзган хатини келтиради. "Мен бир савдо билан шугулланувчи фирмада ишлайман. Ишим менга жуда ёқади. Лекин ҳар гал менга мурожаат қилганинида худдики бир бўшлиқни сезиб тураман. Ман шу бўшлиқ менини бир лаҳза ҳам тарк этмайди ва мени суицид ҳақидаги фикрларни чулғаб олади. Бир йил давомида мен шундай яшадим. Бошида у гуёки мавхум фикрлардек эди. Аҳамият бермасдим. Ҳозир икки одирким у мени бутунлай маҳв этган. Лекин шу билан бирга менда суицидга асос йўқ. Сабаби мен согломман, ҳаётимда ҳамма нарса ўз ўрнида. Аксига олиб оиласизда ҳам бундай касалга чалинганлар бўлмаган. Ҳаётимда бирон марта ҳам стресс ва ёки тушкунлик кайфиятига тушмаганман. Нормал ҳаётда яшаш ва уйнаб-кўлиш учун менда ҳаммаси етарли. Лекин бемор ҳаммасига нуқта қўйиш қарорига келади ва ўз жонига қасд қилишга ўриниб кўради. Лекин ўриниш мувафақиятсиз якун топади шу билан у хотиржам яна олдинги соглом ҳаётига қайтади. Агар бемор шу ишга бир марта қўл урса ва ҳаракатлари мувафақиясизлик билан тўгаса у вақтинча ва ёки бутунлай согайиши мүмкіндир." [4, С. 21]

IV. Беихтиёр содир этилувчи суицид. Бу турда бемор тусаттан ўз жонига қасд қиласи. Бу турнинг учинчи турдан фарқи ҳам айнан мана шундадир. Бунда бемор ойлаб ва ёки йиллаб ўз жонига қасд қилишни режалаштириб юрмайди. Суицид ҳақидаги қарор енгилмас даражада кучли келади ва беморда уни амалга оширишдан бўлак бошқа чора қолмайди. Касалликни юқорида номлари келтириб ўтилган турларида ўз жонига қасд қилишга мантиқсиз бўлса ҳам сабаб қидиради ва у сабаб албатта топилади. Бу турда эса бемор шу даражада заифлашиб қоладики унга сабабнинг кераги йўқ. У яна шу даражада тез содир бўладики, ҳатто беморнинг ўзи ҳам нима бўлаётганини тўлиқ ангал олишга улгуролмайди. Уларнинг ўринишлари мувафақиятсиз тугаган олиб борилган суриштирувлар шуни кўрсатадики, улар нима учун бундай қилганини ўзлари ҳам билмаслиги ва ёки олдин бундай фикр ҳеч қачон безовта қилмаганлигини айтишган. Агар касаллик кучсизроқ формада келса улар келаётган хавфни сезишлари ва уни олдини олишлари мүмкин.

Бир сўз билан айтганда суицид ҳолатларининг ҳаммаси ҳам ақддан озган инсонлар билан боғлиқ эмас Дюргеймнинг айтишича. Ундаға фикр нормал инсонлар билан ҳам содир бўлиши мүмкин. Фақат ақлан ва руҳан носоғлом одамлардагина бундай ҳодиса содир бўлиши мүмкин ва ушбу ҳодисанинг сабабларини у содир бўлишидан унчалик ўзоқ бўлмаган воқеалардан қидириш хатодир.

Дюргейм жамиятни тадрижий жиҳатдан икки даврга, яъни механик бирдамлик даври ва органик бирдамлик даврига бўлиб ўрганади. Механик бирдамлик даври, қадимги даврдан то капитализмгача бўлган даврни ўз ичига олиб, унда ҳар бир шахс жамиятнинг маҳсули бўлган ва тўлиқ унинг қоидалари асосида яшаган. Органик бирдамлик давр эса капитализм даври бўлиб, унда шахсга алоҳида бир система ва ёки жамиятдан алоҳида феномен сифатида қарала бошлаган [5, С.54,55]

ва натижада қўйдаги бешта муаммога дуч келган.

Биринчидан: **ИНДИВИДУАЛИЗМ** бу қадриятларнинг инқизозга учраши билан боғлиқ бўлиб, олдинги одамлар ўзидан олдинги аждодлари яратиб кетган қоидалар ва социал ирахияяга сўзсиз амал қилиб, ҳеч қандай руҳий исёнларсиз баҳтли яшаган бўлса. Эндиликда капитализмга келиб эса, улар ўз қадриятлари, эътиқодлари, ва жамиятдаги мавқеини ўзи ҳал қиласидиган бўлди. (Бугунга 21 асрга келиб ҳатто ўз жинсини ҳам ўзи танлайдиган бўлишди.) Агар омади келса бу яхши албатта, агар омади келмаса бунга унинг ўзи айбордлигини тан олади ва ўз-ӯзини кечира олмай охири баҳтсизлик билан якун топади. Олидинлари эса хато қилишга асос йўқ эди, чунки ҳаммаси гүёки олиднги авлод томонидан тўғри белгилаб қўйилган эди.

Томас Гоббс ва Руссонинг фикрича жамият ва индивид мақсадлари нафақат бир-бирига мос эмас, ҳатто қарама-қаршидир. Мана шу қарама-қаршилик натижасида индивид қурбон бўлмаслик учун, ўз "эго"сини яшириши лозим бўлади. Шундагина улар ўзаро келишиб, тўзилган шартномага кўра яшай оладилар. [6, С.67]

Иккинчидан: "**ОРТИҚЧА УМИД**"лар инсонлар энди эҳтиёжларини бошқара олмай қолди ва бунга турли рекламалар уларга ёрдам бериб келмоқдалар. Бир сўз билан айтган инсонлар эндиликда истеъмолпарастлик касалига чалиниб қолдилар. Уларнинг баҳтсизлиги ўз нафслари чегарасининг кенгайиб кетканлигидадир.

Учинчидан: "**ҲАДДАН ТАШҚАРИ КЎП ЭРКИНЛИК**" бунда капитализм олдинги жамият қабул қиласидиган умум мажбуриятларни яъни оила қуриш, фарзанд тарбияси ва ҳоказоларни тан олмайди ва бу мажбуриятларни ҳар ким ўзига қулай бўлган тарзда амалга оширади. Олдинги инсонлар қайси жамиятда тўғилишига қараб, ўз-ӯзига жамият олдиндан амалларга қараб чекловлар қуя олган. Ҳозирга келиб эса улар яъни индивидлар мана шу чекловларни буза бошлади. Энди инсонларга ўzlари яшаб турган жамият қўйган талаблар оғирлик қила бошлади. Бунинг оқибати эса улар керагидан ортиқча бўлган эркинликка эришдилар.

Тўртинчидан: **АТЕИЗМ** капиталистик жамиятлар асосан динсиздир. Олдинги жамиятда дин муҳим бир функцияни бажарар эди. У инсонларни бирлаштирас, тинчлантирас ва ўзини баҳтли ҳис қилиша бир қанча асослар топиб берар эди. Бир сўз билан айтганда ҳаётларидан маъно топиб бера оларди. "Ҳар қандай дин учун шу нарса характерлики, уларга ишонувчи кишилар гуруҳи иштирок этадиган доимий такрорланувчидиний маросимлар ва урф-одатлар мавжуд бўлиб, ўтказиладиган бу расм-руслар туфайли уларда гуруҳий ҳамкорлик юзага келади ва у мустаҳкамланиб боради." [7, С.600] Лекин капитализм уни инкор қилиши билан биргаликда ўрнига эквивалент топиб бера олмади. "Динга эквивалент сифатида фанни қўймоқчи бўлди, лекин иш бермади. Фан оммани ўзига жалб қила олмади. Яъни Дюргейм нуқтаи назарига кўра дин ва гоя синонимлардир. Иккаласи ҳам инсонларни бирлаштириш учун хизмат қиласиди." [8, С.499]

Бешинчидан: "**МИЛЛАТ ВА ОИЛА ИНСТИТУЛARIНИНГ КУЧСИЗЛАНИШИ**" ҳозирда инсонлар учун на миллатни ва на оилани қадри бор. Улар бундай туйгуларни эркинликни бугувчи занжир деб аташмоқда. Ҳозирги инсон ўзидан мукаммалроқ бўлган қандайдир тизимнинг таркибий бир элементилигини тан олмайди. Шунинг учун ҳам миллат қаҳрамонлари борган сари камайиб бормоқда. Буни охири эса баҳтсизликдир.

Хулоса

Минг афсуски бизнинг мамлакатимида ҳам бундай иллат тез-тез учраб туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2018 йилги маълумотларига қараганда Ўзбекистон 183 та мамлакат ичидаги суицид борасида 99 ўринни эгаллаб турибди. Марказий Осиё мамлакатлари ичда эса Қозогистондан кейинги иккинчи баъзи йиллари эса учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Демак вазият яхши эмас. Ва ачинарлиси шундаки унинг ёши ёшарид бормоқда. Айниқса ўсмирлар билан бу масалада эҳтиёт бўлиб мумомала қилиш лозим. Бу эса Дюргейм асрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини юқотмаганидан ва қолаверса жамиятимида психологларга эҳтиёж катталигидан дарак беради.

Жамият аъзоларининг бирдамлиги юқорида келтириб ўтилган иллатларни олдини олиши мумкин. Бунда ҳар бир миллат урф-одатлари, эътиқоди, қадриятлари ва оила институти катта рол уйнайди. Шарқ мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам бу масалага давлат миқёсида аҳамият бериди келинади. Бунинг яққол мисоли сифатида жорий йилнинг феврал ойида ташкил этилган "Маҳалла ва оила масалалари вазирлги"нинг ташкил этилишини келтиришимиз мумкин. Бу вазирлик ўз фаолиятини, юқоридаги иллатлар оқибатида келиб чиқадиган соционихологик инқирозларни олдини олишга қаратади. Шу ерда динни функциясини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимдир мутахассисларнинг айтишича эътиқодли жамиятларда, атеист бўлган жамиятларга қараганда худкушлик ҳолатлари анча пастроқдир. Диннинг психологик функцияси мана шундай вазиятларда ўзини кўрсатади. Биз катталар кейинги авлодда бундай иллатлар кўпайиб кетмаслигига маъсуллигимизни унутмаслигимиз лозим.

Иқтибослар / Сноски /References:

1. Дудник С.И. Парадигмы истерического мышления XX века: очерки по современной философии культуры. СПб.: 2001. С. 132.
2. Чхартишвили Г.Ч. Писатель и самоубийство. Изд. 1-е.-М.,1999. С - 86.
3. Разводовский Ю.Е., Зотов П.Б. Суициды и смертность от прочих отравлений: сравнительный анализ трендов. Сибирский вестник психиатрии и наркологии. 2019; 2 (103): 47-54.
4. Э. Дюргейм. Самоубийство- "Издательство ACT", 1897. С-12, 13, 14, 21.
5. А.И. Кравченко, В. Ф. Анурин. Социология. Учебник для вузов. - Питер.: 2008. С 54-55.
6. Эмиль Дюргейм. Социология. Ее предмет, метод и назначение. ИСТОРИЯ СОЦИОЛОГИИ В ПАМЯТНИКАХ. Серия основана в 1993 г. С - 67.
7. Тузувчи ва маъсул муҳаррир: Қимиддин Назаров. Фарб фалсафаси. Т.: 2004. Б - 600.
8. А.Г.Спиркин. Философия. - М.: 2004. - С. 499.